

Судланувчининг шахсига оид маълумотлар тўлиқ текширилмаганлиги оқибатида унинг илгари амнистия актига асосан жазодан озод этилганлиги аниқланмаганлиги суд қарорларининг жазо тайинлаш қисми бекор қилинишига асос бўлган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2006 йил 25 декабрдаги ҳукмига асосан, ў. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «ж,л» бандлари, 277-моддаси 3-қисми «а,г» бандлари билан, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 18 йил озодликдан маҳрум этиш жазосига судланган ҳамда унга 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия актининг 7-моддаси «б» банди татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми тўртдан бирига қисқартирилган.

Суд жиноят иши бўйича иш ҳолатларини тўғри аниқлаган, ў.нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган.

Бироқ ишни кўришда суд ЖПКнинг 457-моддаси талабига амал қилмаган, ў.нинг шахсига оид маълумотларни тўлиқ текширмаган, бу эса унга 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия актининг асоссиз татбиқ этилишига сабаб бўлган.

Назорат инстанцияси судига жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди ва УЯ 64ў47-сонли жазони ижро этиш муассасаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардан кўринишича, ў. мукаддам Поп туман судининг 1997 йил 5 июндаги ҳукмига кўра, тайинланган 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосидан, 1997 йил 3 декабрдаги амнистия актига мувофиқ, Поп тумани ИИБ бошлиғининг 1998 йил 13 январдаги қарорига асосан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия

тўғрисида»ги Қарори 8-моддаси «а» бандида мазкур амнистия акти муқаддам амнистия тартибида жазодан озод этилганларга нисбатан тадбиқ этилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **«Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарори 30-бандида, агар суд амнистия актини қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан қўллаган бўлса, апелляция, кассация, назорат инстанцияси ҳукмининг жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, ишни шу қисмини янгидан кўриш учун юбориши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъати юқорида қайд этилган қонун, Пленум қарори, амнистия акти талабларидан келиб чиқиб, 2007 йил 16 августдаги ажрими билан, ў.га нисбатан чиқарилган суд қарорларининг жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, ишнинг шу қисмини ЖПК 414-моддаси тартибида, янгидан судда кўриш учун юборди.

ЖСҲ-182-07 сонли ажрим